

**ҚУЙИ АМУДАРЁ ОКРУГИДА УЧРАЙДИГАН AGROTIS АВЛОДИ
ТУНЛАМЛАРИНИНГ (NOCTUIDAE, LEPIDOPTERA) БИОЕКОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Бекчанова М.Х.,

УрДУ Биология кафедраси ўқитувчиси б.ф.ф.д.

Уразбаев Д.З.,

УрДУ Биология йўналиши талабаси

Шухратова О.Ш.

УрДУ Биология йўналиши талабаси

Аннотация: Ушбу илмий тадқиқот ишида Қуйи Амударё округида тарқалган *Agrotis* авлоди тунламларининг биоекологик хусусиятлари келтириб ўтилди.

Материаллар 2019-2022 йиллар мобайнида, март ойидан ноябр ойигача 4 та (чўл, кўл бўйи, тўқай, тоғ) биотопларида йиғилди. Ушбу ҳудудларда уч йиллик тўпланган материаллардан турлар рўйхати тузилди ва фаунаси ўрганилди. Турларнинг асосан учраш жойи, мавсумий аспекти, экологик гуруҳи ва озуқа ихтисослигига кўра тақсимооти аниқланди.

Калит сўзлар: Тангачақанотлилар, noctuidae, тўқай, монофаг, олигафаг, полициклик.

Аннотация: В ходе исследования выясняются биотопическое распределение и экологическая группа совков в Нижнем Амударьинском районе. Материалы исследования собраны в 4 биотопах (пустыня, озеро, тугай, гора) с марта по ноябрь 2019-2022 гг. Список видов был составлен по материалам, собранным на этих территориях в течение трех лет, и изучена фауна. Распространение видов определялось в основном местонахождением, сезонным аспектом, экологической группой и пищевой специализацией.

Ключевые слова: чешуекрылые, совки, тугай, монофаги, олигофаги, полициклические.

Abstract: This research work clarifies the biotopic distribution and ecological group of moths in the Lower Amudarya district. The research materials were collected in 4 (desert, lakefront, tugai, mountain) biotope from March to November in 2019-2022. A list of species was compiled from the materials, which were collected from these areas during three years and the

fauna was studied. The distribution of species was determined mainly by location, seasonal aspect, ecological group, and food specialization.

Keywords: Lepidoptera, Noctuidae, tugai, monophagous, oligophagous, polycyclic.

КИРИШ

Ер юзида капалаклар туркумининг 165 мингдан ортиқ турлар таркиби қайд этилган¹. Ҳашаротлар оламини ўрганиш қадимдан инсониятни қизиқтириб келган. Бу соҳада юзлаб, ҳатто минглаб фикрлар хилма-хиллиги мавжуд. Марказий Осиёнинг ғарбий қисми бўлмиш Туркистон ўлкаси бўйича ҳашаротлар, шу жумладан, тангачақанотлилар ҳақида дастлабки маълумотлар рус энтомологи Н.Г.Ершов ва А. Фильд лар томонидан чоп этилган. Сўнгги пайтларда маҳаллий фауналарни ва айрим тангачақанотлиларнинг биологиясини индивидуал жиҳатларини ўрганишга катта қизиқиш пайдо бўлди (Кононенко, 2005; Барбарич, 2012; Барбарич, Дубатолов, 2012; Матов, Кононенко, 2012). Шу ўринда айтиш мумкинки Ўзбекистон Республикаси ҳам ҳайвонот дунёсининг аҳамиятли турлари ва зоогеографик хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ўзбекистоннинг фаунасини ўрганиш ҳар доим Қуйи-Амударё округининг lepidoptera фаунасини ўрганиш билан боғлиқ бўлган.

Ушбу тадқиқот иши Қуйи-Амударё округида баҳорги- ёзги даврларда тунлам капалаклар фаунасини ўрганишга қаратилган.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСУЛЛАРИ.

Тунлам капалаклар (Noctuidae, Lepidoptera) оиласи турларини йиғиш ва уларни ушлаш учун умументомологик усуллардан ташқари махсус методлардан яни ДРЛ-400 маркали ёритгичли ушлагичдан фойдаланилди. Бу ёритгични фақат электр токи бор жойларда ишлатиш мумкин. Электр токи бўлмаган жойларда бошқа ёруғлик тарқатувчи мосламалардан яъни аккумуляторли ёритгичлар ва эни, бўйи 2 метр келадиган оқ докадан фойдаланилди (5-расм).

Озуқага ихтисослашишига қараб Яхонтов 1964, Сачков 2002, Никонорова 2007. Мавсумийлик аспектларига биноан Хрисанова 2006, Сачков 2002, методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар асосан муаллиф томонидан Қуйи Амударё округининг кўл бўйи (Ақчакўл бўйи), тўқай (Қуйи амударё давлат биосфера резервати), чўл (Мискин), тоғ (Султон Увайс тоғ тизмаси:) зоналарида 2017 - 2020 й.й. март ойидан то ноябр ойигача олиб борилди [4]. Тангачақанотлиларни ушлаш 19:00 дан то 24:00 гача олиб борилди.

¹ Дэвид Бёрни. Животные. Иллюстрирования энциклопедия животных всего мира. – Лондон 2001, - С. 516-595.

Йиғилган материаллар Хоразм Маъмун Академияси ва Урганч давлат университети биология кафедрасида коллекция ҳолида сақланади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Олиб борилган ушбу тадқиқот иши давомида ушланган *Cucullinae* оиласининг *Agrotis* авлодга мансуб 6 та тури қайд этилди ва Европа ҳайвонот дунёсининг сўнгги тизимли рўйхатига (Фибигер ва бошқалар, 2011) кўра таснифланди. Ушланган турлар рўйхати куйида келтирилди.

Турларнинг биоекологик хусусиятлари .

т/ №	Латинча номи	Учраш жойи	Мавсумий аспекти	Экологик гуруҳи	Озуқага ихтисослиги
Кенжа оила: <i>Cucullinae</i>					
1	<i>Agrotis segetum</i> Denis et S	Кўл бўйи	Баҳорги ёзги	Гигрофил	Полифаг
2	<i>Agrotis exclamationis</i> L	Чўл	Эрта ёзги	Ксерофил	Полифаг
3	<i>Agrotis ipsilon</i> Hufn	Кўл бўйи, тўқай	Баҳорги ёзги	Гемиксерофил	Полифаг
4	<i>Agrotis crassa</i> Hubner	Кўл бўйи	Ёзги кузги	Гигрофил	Полифаг
5	<i>Agrotis obesa</i> Boisduval	чўл	Кузги	Гемиксерофил	Монофаг
6	<i>Agrotis lasserrei</i> Obertyur	Кўл бўйи	Кузги	Гигрофил	Монофаг

Тадқиқотлар давомида олинган натижаларига кўра *Agrotis* авлодга мансуб турлар куйидагича изоҳланди.

Учраш жойига қараб: чўл тунламлари 2 та, кўл бўйи 3, кўл бўйи, тўқай тунламлари эса 1 та ни ташкил қилди. Мавсумий аспектига кўра Баҳорги ёзги турлар 2 та, эрта ёзги 1 та, ёзги кузги 1 та, кузги турлар эса 2 та эканлиги ўрганилди. Экологик гуруҳига қараб гемиксерофил турлар 2 та, ксерофиллар 1 та, гигрофиллар 3 та эканлиги маълум бўлди. Озуқага бўлган ихтисослигига кўра эса монофаглар 2 та, полифаглар эса 4 та, ташкил қилди.

Келажакда Қўйи Амударё округининг тунламлар фаунасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

- [1]. Барбарич А.А. 2013а. Первые сведения о населении совков (*Lepidoptera*, *Noctuidae*) заказника «Иверский» // Материалы Х.Дальневосточной конференции по заповедному делу. Благовещенск: БГПУ. С.38.
- [2]. Волынкин А.В. 2007. О находках редких и новых для Русского Алтая видов совков (*Лепидоптера*, *Ностуидае* с.л.) // Алтайский зоологический журнал. Вып.1. С.17–20.

- [3]. Дубатолов В.В. 2011. К изучению весенних макрочешуекрылых (Insecta, Lepidoptera, Macroeterocera) Нижнего Приамурья: результаты 2011 года // Амурский зоологический журнал. Т.3. Вып.2. С.183–187
- [4]. Даричева М.А. К биологии некоторых чешуекрылых вредящих саксаулу и кандыму в низовьях Мургаба (Туркменистан ССР). Известия АН ЦСР. Серия биологических наук. - Ашхабад: Илим, 1962. - №5. – С. 80-85
- [5]. Даричева М.А. Насекомые низовий Мургаба. Ашхабад. 1965. 53 с.
- [6]. Ключко З.Ф., Кононенко В.С., Миккола К. 1992. Систематический список совков (Lepidoptera, Noctuidae) Даурского заповедника // Насекомые Даурии и сопредельных территорий. Сборник научных трудов. Вып.1. М.: ЦНИЛ охотничьего хозяйства и заповедников. С.31–46.